

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ИНТЕРНЕТ  
ЖУРНАЛИСТИКА ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
“РАҚАМЛИ МЕДИА ВА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА”  
КАФЕДРАСИНИНГ АХБОРОТ ХАТИ**

Сизни Ўз ЖОКУ Интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар факультети “Рақамли медиа ва интернет журналистика” кафедраси томонидан 2020 йил 24 май куни Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг икки йиллиги муносабати билан онлайн тарзда ZOOM орқали ўтказиладиган **“Онлайн медианинг ривожланиш тенденциялари ва оммавий ахборот воситаларининг трансформация жараёнлари”** мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияга таклиф этамиз. Анжуманда қатнашиш истагини билдирганлар ташкилий гуруҳга ўз илмий мақолаларини топширишлари лозим.

Конференция куйидаги йўналишлар бўйича илмий мақолалар қабул қилади:

- оммавий коммуникациянинг долзарб масалалари;
- коронавирус пандемияси шароитида медиабозор трансформацияси;
- касбий ва digital жараёнларида журналистика таълимининг ўрни;
- медиасаводхонликнинг ахборот манбалари билан ишлашдаги ўрни;
- Ўзбекистонда ва жаҳонда онлайн ТВ ва радио ривожланишининг ўзига хосликлари;
- онлайн медиада фаолият юритаётган журналист фаолиятига кўйиладиган талаблар: тил ва услуб масалалари;
- интернетда PR технологияларнинг кўринишлари;
- янгиликлар сайтларининг замонавий хусусиятлари;
- замонавий онлайн медианинг визуал контенти: шакл ва моҳият;
- мобил - интернет журналистика трансформациясининг омили сифатида;
- онлайн медианинг ижтимоий тармоқлар билан ишлаш тажрибаси;
- ахборотни излаш ва верификациялаш усуллари;
- месенжерлар мультимедияли медиалар учун янги платформа сифатида;
- сайтларни илгари суришда SEO планнер ва автопостинг имкониятларидан фойдаланиш;
- блогинг онлайн медианинг феномени сифатида;
- ўзбек интернет сегментида ахборот хавфсизлиги масалалари;
- троллинг ва инфологема –ахборий хуружларнинг янги шакли;

Конференцияга тақдим этилаётган мақолалар куйидаги тартибда тайёрланиши лозим: матн ҳажми камида – 4-5 бет, формат – Microsoft Word, шрифт – Times New Roman, матн майдони – юқори ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан - 1,5 см, қаторлар оралиғи – 1 интервал, ҳарфлар 14 шрифтда. Юқоридан бош ҳарфлар билан мақола мавзуси ёзилади, бир интервалдан

сўнг муаллифнинг исми шарифи, ОТМ, факультети, лавозим тўлиқ ёзилади, бир интервал ташланиб матн берилади. Мақолаларни чоп этишга кетадиган типографик харажатлар ҳисобга олиниб, 1 бет учун тўлов миқдори 15 000 сўм белгиланди. (Талабалар учун бепул.)

Конференция ташкилий қўмитаси юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб берган маъруза матнларни тўплам шаклида нашрдан чиқаришни ўз зиммасига олади ва конференция куни барча иштирокчиларга эълон қилинади. Мақолалар конференция йўналишига оид долзарб масалалар, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида тегишли таклиф ва тавсиялар берилган ҳолда топширилиши лозим. Ташкилотчилар мақолаларни саралаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

Мақолалар ўзбек ва рус тилларида 2020 йил 15 майга қадар электрон вариантда қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Марказ 5, 88 уй, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, 1-қават, 202-хона. “Рақамли медиа ва интернет журналистика” кафедраси. Электрон манзиллар: [internet\\_journalism@mail.ru](mailto:internet_journalism@mail.ru). [shakhnoza\\_taylakova@mail.ru](mailto:shakhnoza_taylakova@mail.ru)

Мурожаат учун телефон рақамлар: Ш.Н.Тайлакова +99899 8552486, Д.Ризаева +94 6772256 (мақолалар истисно тарзида юқорида келтирилган телефон рақамларидаги телеграм орқали ҳам қабул қилинади)